




## МУНДАРИЖА

• «МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ БОШҚАРУВИ РАИСИНИНГ МУРОЖААТИ.....	2
• ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА БАНК ТИЗИМИДА 2016 ЙИЛДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР....	6
• «МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ.....	14
«МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ АКЦИЯДОРЛАРИ.....	24
БАНКНИНГ 2016 ЙИЛГИ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ.....	25
БАНК ИНФРАТУЗИЛМАСИ.....	28
• КОРПОРАТИВ БИЗНЕС	
КРЕДИТЛАШ ФАОЛИЯТИ.....	30
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ.....	34
• ЧАКАНА БИЗНЕС.....	38
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ КРЕДИТЛАШ.....	40
ОМОНАТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР.....	41
ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ.....	44
• АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТИЗИМИ	
ВА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР РИВОЖЛАНИШИ.....	46
• КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ.....	50
• КАДРЛАР СИЁСАТИ.....	56
• БАНКНИНГ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ.....	60
• АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ.....	62
• «МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ БОШ ОФИСИ ВА ФИЛИАЛЛАРИ МАНЗИЛЛАРИ.....	72

## СОДЕРЖАНИЕ

• ОБРАЩЕНИЕ ПРЕДСЕДАТЕЛЯ ПРАВЛЕНИЯ АКБ «МИКРОКРЕДИТБАНК».....	2
• ДОСТИЖЕНИЯ В ЭКОНОМИКЕ И БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЕ УЗБЕКИСТАНА В 2016 ГОДУ.....	6
• ОБЩИЕ СВЕДЕНИЯ ОБ АКБ «МИКРОКРЕДИТБАНК».....	14
АКЦИОНЕРЫ АКБ «МИКРОКРЕДИТБАНК».....	24
ИТОГИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БАНКА В 2016 ГОДУ.....	25
ИНФРАСТРУКТУРА БАНКА.....	28
• КОРПОРАТИВНЫЙ БИЗНЕС	
КРЕДИТНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ.....	30
ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ.....	34
• РОЗНИЧНЫЙ БИЗНЕС.....	39
КРЕДИТОВАНИЕ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ.....	40
ВКЛАДНЫЕ ОПЕРАЦИИ И ПЛАСТИКОВЫЕ КАРТОЧКИ.....	41
ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ.....	44
• СИСТЕМА ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И РАЗВИТИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ УСЛУГ....	46
• КОРПОРАТИВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ.....	50
• КАДРОВАЯ ПОЛИТИКА.....	56
• СТРАТЕГИЯ РАЗВИТИЯ БАНКА.....	60
• АУДИТОРСКАЯ ОТЧЕТНОСТЬ.....	62
• АДРЕСА ГОЛОВНОГО ОФИСА И ФИЛИАЛОВ АКБ «МИКРОКРЕДИТБАНК».....	72





# «МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ БОШҚАРУВИ РАИСИНИНГ МУРОЖААТИ

ОБРАЩЕНИЕ ПРЕДСЕДАТЕЛЯ  
ПРАВЛЕНИЯ АКБ  
«МИКРОКРЕДИТБАНК»



## Ўқурматли акциядорлар, қадрли мижозлар ва ҳамкорлар!

Банк-молия тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва қўламини кенгайтириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг тизимли амалга оширилиши Ўзбекистон банкларининг муваффақиятли фаолият юритиши учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Ўз навбатида, «Микрокредитбанк» АТБ 2016 йилга белгиланган вазифаларни шараф билан адо этиб, республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш ва барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳисобот йилида амалга оширилган изчил ва аниқ ислохотлар натижасида банкнинг капиталлашув даражасини оширишга, ресурс базасини ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга, инвестицион фаолликни кучайтиришга эришилди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга банкнинг барча молиявий кўрсаткичларининг барқарор ўсиши таъминланди.

2016 йил молиявий натижаларига қўра эса банк активлари 1,2 баробарга, хусусий капитали 1,1 баробарга, аҳоли ва юридик шахсларнинг депозитлари ҳажми 1,4 баробарга ўсди. Банк кредит портфелини шакллантириш ҳамда инвестицион фаоллигини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида, 2016 йил давомида кредит портфели ҳажми 1,3 баробарга ошиб, унинг 86 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил этгани алоҳида эътиборга молик.

Банк томонидан эришилаётган ижобий натижалар ҳамда барқарор ўсиш суръатлари халқаро ва миллий рейтинг агентликлари томонидан юксак баҳолашиб, эътироф этиб келинмоқда. Жумладан, «Fitch-Ratings» халқаро рейтинг агентлиги томонидан банкка сўнги йилларда «В» «Барқарор» рейтинг баҳолари бериб келинмоқда. 2016 йилда агентлик банк рейтингини «В+» даражасига кўтарди.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда кенг имкониятлар яратилганлиги замирида банкимиз мижозлари салоҳияти ҳам ошиб бормоқда. 2016 йил якунига келиб банк мижозларининг сони қарийб 404 мингтага етган бўлиб, миллий иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларида фаолият юритмоқдалар.

2016 йилда «Микрокредитбанк» АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 1 130,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, шундан 437,6 млрд. сўм миқдорида ёки

## Ўқажамые акционеры, дорогие клиенты и партнеры!

Системное осуществление программ, принятых для углубления реформ в банковско-финансовой системе и расширения их масштабов, открывает широкие возможности для успешного функционирования банков Узбекистана. В свою очередь, АКБ «Микрокредитбанк», с достоинством выполнив намеченные на 2016 год задачи, внес свой вклад на пути обеспечения развития и стабильного роста экономики республики, а также повышения благосостояния населения. В результате последовательных и точных реформ, осуществленных в отчетному году, достигнуто повышение уровня капитализации, укрепление ресурсной базы и ликвидности, усиление инвестиционной активности банка. Также, наряду с финансовой поддержкой субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства обеспечен устойчивый рост всех финансовых показателей банка.


По итогам 2016 года активы банка выросли в 1,2 раза, собственный капитал в 1,1 раз, объем депозитов населения и юридических лиц в 1,4 раза. В результате принятых мер в сфере формирования кредитного портфеля банка, а также повышения инвестиционной активности в течение 2016 года объем кредитного портфеля вырос в 1,3 раза, где 86 процентов составляют долгосрочные кредиты.

Положительные результаты, а также стабильная динамика роста банка высоко оцениваются и признаются международными и национальными рейтинговыми агентствами. В частности международным рейтинговым агентством «Fitch-Ratings» в последние годы банку присваивается рейтинговая оценка «В» «СТАБИЛЬНЫЙ». В 2016 году агентство повысило рейтинг банка до «В+».


На базе создания широких возможностей для развития малого бизнеса и частного предпринимательства в нашей республике, растет и уровень клиентов нашего банка. К концу 2016 года число клиентов банка достигло 404 тысяч, они осуществляют деятельность во всех сферах национальной экономики.

Если в 2016 году АКБ «Микрокредитбанк» субъектам малого бизнеса и частного предпринимательства были выделены кредиты на сумму 1 130,4 млрд. сумов, из них оказаны микрофинансовые услуги на 437,6 млрд. сумов или в 1,2 раза больше, чем в 2015 году.

На IX Национальной выставке банковских услуг,







2015 йилга нисбатан 1,2 баробарга кўп микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари «BankExpo-2016» IX миллий кўргазмасида «Микрокредитбанк» АТБ «Энг яхши микрокредитлаш хизмати» номинациясида ғолиб деб топилди.

Банкимиз республикаимизни энг чекка худудларида янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш мақсадида микромолиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда. Натижада, ушбу худудларда банк мижозлари томонидан Республикаимизда деярли 40 мингта янги иш ўринлари яратилиб, солиқ тўловчилар сафи шунчага кенгайтирилди.

Аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатлами – хотин қизлар, ёшлар, касб-хунар коллежлари битирувчилари даромад манбааларига эга бўлишлари, ўз бизнесларини яратишлари учун микромолиявий хизматлар кўрсатиб келмоқдамиз.

Республикаимизда ёшларни иш жойи билан таъминлаш дастурига банкимиз томонидан яқиндан ҳамкорлик қилиб коллеж, академик лицей битирувчиларини айниқса, қизларни тадбиркорлик соҳасига жалб этиш мақсадида доимий тушунтириш ишлари ўқув амалий семинарлар ўтказилиб борилиши эвазига 66,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Банк аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида йил давомида 117,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларига 78,4 млрд. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди ва белгилаб олинган вазифалар тўлиқ амалга оширилди.

Шунингдек, банк республикаимиз аҳолисини яшаш шароитини янада яхшилаш мақсадида хизмат кўратиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 154,5 млрд. сўм кредит ажратиб, ушбу йўналишда 11 мингдан ортиқ ишчи ўрни яратилди, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган маҳаллий уй-рўзғор буюмларига бўлган талабларини қондиришга 113 млрд. сўмлик имтиёзли истеъмол кредитлари ажратди.

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки томонидан Республикаимиз иқтисодиёти ва банк тизимида ўтказилаётган ислоҳотларни амалга оширилишида актив қатнашиб, банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш, активлар сифати, салмоғи

технологий и оборудования “BankExpo-2016” организованный Центральным банком Республики Узбекистан при официальной поддержке Комитета по бюджету и экономическим реформам и Комитета по информационным и коммуникационным технологиям Законодательной палаты Олий Мажлиса, а также в партнерстве с Ассоциацией банков Узбекистана и Ассоциацией предприятий и организаций информационных технологий Узбекистана АКБ «Микрокредитбанк» был удостоен в номинации “Лучшая микрокредитная услуга”.

Наш банк оказывает микрофинансовые услуги с целью создания новых субъектов предпринимательства в самых отдаленных регионах нашей республики. В результате клиентами банка создано около 40 тысяч новых рабочих мест по всей республике, на такое же количество выросло и число налогоплательщиков.

Мы оказываем микрофинансовые услуги трудоспособному слою населения – женщинам, молодежи, выпускникам профессиональных колледжей для создания ими источника дохода – своего бизнеса.

Банк предоставляет непосредственную помощь при трудоустройстве молодежи республики, с целью привлечения выпускников колледжей, академических лицеев, а особенно девушек к предпринимательской сфере, за счет проведения постоянных разъяснительных работ, учебно-практических семинаров выделено кредитов на 66,6 млрд. сумов.

Банк с целью всесторонней поддержки женского предпринимательства в течение года выделил льготных кредитов на сумму 117,5 млрд. сумов. Субъектам предпринимательства и ремесленничества направлены кредитные средства на сумму 78,4 млрд. сумов и полностью осуществлены намеченные задачи.

Также, в целях улучшения уровня жизни населения республики и развития сферы услуг и сервиса банком предоставлены кредиты в сумме 154,5 млрд. сум и создано свыше 11 тысяч рабочих мест. Предоставлены льготные кредиты на сумму 113 млрд. сумов для удовлетворения потребностей населения в местных бытовых приборах долгосрочного пользования.

Акционерно-коммерческим банком “Микрокредитбанк” в качестве приоритетных целей на ближайшее будущее намечено активное участие в осуществлении реформ, проводимых в экономике и банковской системе нашей республики, повышение уровня капитализации банков, улучшение качества,

ва даромадлигини яхшилаш, мижозлар ва молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтариш орқали банк фаолиятига доир барча кўрсаткичларнинг барқарор ўсишини таъминлаш, энг муҳими, мижозларнинг банкка бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш банкнинг яқин келажакдаги устувор мақсадлари сифатида белгилаб олинган. Ҳукуратимиз томонидан банк тизими олдига қўйилган янги ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантиришга қаратилган вазифаларни бажарилишида банкимиз ҳар томонлама фаол қатнашиб келмоқда.

Банкимиз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни юқори сифатда бажариш биздан ходимлар салоҳияти, билим ва тажрибасини мунтазам ўстириб боришни, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришни, ҳар бир мижозга алоҳида ёндошиб, уларнинг талаб ва истакларини тўлиқ қондириш ҳамда самарадорликни оширишни тақозо этади, келгусида стратегик режаларимизни амалга ошириш йўлида бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз ҳамда зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда самарали меҳнат қиламиз.

Шу ўринда банкимизнинг барча акциядорлари, мижозлари ва ҳамкорларимизга бизга билдирилган ишончлари ҳамда банкнинг ривожланишига қўшаётган улкан ҳиссалари учун самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз ва келажакда ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз янада самарали бўлишига ишонамиз.


Бошқарув Раиси

прибыльности активов, обеспечение стабильного роста всех показателей банковской деятельности путем поднятия на новый уровень партнерских отношений с клиентами и финансовыми организациями. Банк всесторонне активно участвует в исполнении задач, направленных на развитие новой социально-экономической сферы, которая была поставлена Правительством перед банковской системой.

Исполнение на высоком уровне целей и задач, поставленных перед нашим банком, требует от нас систематического повышения способностей, знаний и опыта сотрудников банка, совершенствования корпоративной системы управления, индивидуального подхода к каждому клиенту, полностью удовлетворять их требования и пожелания, а также повышения эффективности. Мы будем прикладывать все свои силы и возможности на пути осуществления в будущем стратегических планов, а также плодотворно трудиться, глубоко осознавая свою ответственность.

Пользуясь случаем, хотим выразить искреннюю благодарность всем акционерам, клиентам и партнерам нашего банка за проявленное доверие и высокий вклад в развитие банка и верим, что в будущем наше взаимное партнерство будет еще более эффективным.

Председатель Правления





# ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА БАНК ТИЗИМИДА 2016 ЙИЛДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР

ДОСТИЖЕНИЯ В ЭКОНОМИКЕ  
И БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЕ  
УЗБЕКИСТАНА  
В 2016 ГОДУ

**«Банклар халқимизни  
тадбиркорликка,  
ишбилармонликка  
ўргатиши ва шунга  
етаклаши лозим».**

**Ш. Мирзиёев**

«Банки должны обучать  
население навыкам  
предпринимательства и  
привлекать к этому  
роду деятельности».

Ш. Мирзиёев



2016 йил якунлари бўйича мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг реал ўсиш суръати 2015 йилга нисбатан 7,8 фоизни ва унинг номинал ҳажми 199,3 трлн. сўми ташкил қилди.

Иқтисодийнинг бундай суръатларда ривожланиши саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг 6,6 фоизга, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг 9,6 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажмининг 12,5 фоизга ўсиши, шунингдек, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси ҳисобига таъминланди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришишда мамлакатда макро-иқтисодий барқарорликнинг таъминланганлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилди ва ушбу барқарорлик мамлакат тўлов балансининг, шу жумладан, ташқи савдо айланмасининг ижобийлиги, давлат бюджетининг ЯИМга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан ижро этилиши, инфляция даражасининг йил бошига нисбатан 5,7 фоизни ташкил этиб, мақсадли кўрсаткичлар доирасида бўлиши ҳамда банк-молия тизимининг мустаҳкамлиги ҳисобига таъминланмоқда.


Реальные темпы прироста валового внутреннего продукта нашей страны по итогам 2016 года по сравнению с 2015 годом составили 7,8 процентов, а его номинальный объем - 199,3 трлн. сумов.


Развитие экономики в таких темпах обеспечено за счет роста объемов производства промышленной и сельскохозяйственной продукции на 6,6 процентов, инвестиций, направленных на основной капитал на 9,6 процентов, оказанных услуг на 12,5 процентов, а также положительного сальдо внешней торговли.

В достижении высоких экономических показателей роста важным фактором служит обеспечение макроэкономической стабильности в стране, и эта стабильность обеспечивается за счет платежного баланса страны, в том числе положительного внешнеторгового оборота, исполнения государственного бюджета с профицитом в 0,1 процент в отношении ВВП, уровень инфляции на начало года составил 5,7 процентов, что является в рамках целевых показателей, а также прочности банковско-финансовой системы.

### Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг 2016 йилдаги макроиқтисодий кўрсаткичлари (фоизда)

Макроэкономические показатели развития Республики Узбекистан в 2016 году (в процентах)





Ўтган йили республикаимиз иқтисодиётида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 9,6 фоизга ошиб, 16,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Бунда ўзлаштирилган инвестицияларнинг 53,3 фоизи корхона ва аҳолининг ўз маблағлари, 15,3 фоизи хорижий инвестициялар ва кредитлар, 10,3 фоизи тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарзлар, 4,5 фоизи давлат бюджети, 4,7 фоизи давлат мақсадли жамғармалари ҳамда 4,7 фоизи Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқа-риш соҳасини ривожлантириш, бунда корхоналарни технологик жиҳатдан янгилаш ҳисобига тайёр истеъмол товарлари турларини кенгайтириш ҳамда хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 6,6 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, маҳсулот етиштириш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар соҳада ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмининг 6,6 фоизга ўсишига хизмат қилди.

В прошлом году за счет всех источников финансирования в экономике республики объем освоенных инвестиций по отношению к 2015 году вырос на 9,6 процентов и составил 16,6 млрд. долларов США.


При этом, 53,3 процентов освоенных инвестиций были профинансированы за счет собственных средств организаций и населения, 15,3 процентов - иностранных инвестиций и кредитов, 10,3 процентов - кредитов коммерческих банков и иных займов, 4,5 процентов - государственного бюджета, 4,7 процентов - государственных целевых фондов и 4,7 процентов - за счет средств Фонда Реконструкции и развития Республики Узбекистан.

В результате развития сферы производства промышленных изделий, расширения при этом видов готовых изделий за счет технологического обновления предприятий, а также ускорения производства на базе коренной переработки сырьевых ресурсов, рост объема производства промышленных изделий в 2016 составил 6,6 процентов по сравнению с 2015 годом.

Реформа сельского хозяйства и обеспечение безопасности продовольственных товаров, развитие агропромышленного комплекса и его локомотива - многоотраслевых фермерских хозяйств, меры, направленные на повышение эффективности производства продукции, обеспечили рост объема произведенного валового продукта на 6,6 процентов по сравнению с 2015 годом.

### Кичик бизнеснинг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши (фоизда)

Доля малого бизнеса в отраслях экономики (в процентах)





Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 5,4 фоизга ўсиб, 47,4 трлн. сўми ташкил этди. Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,4 фоизга ортди.

Шунингдек, 2016 йил давомида 32 мингга яқин ёки 2015 йилга нисбатан 18 фоизга кўп янги кичик бизнес субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилиб, ўз фаолиятини бошлади.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 56,9 фоизгача, саноатда эса 45 фоизгача ошди. Ҳозирги кунга келиб иқтисодиётда иш билан банд аҳолининг 78 фоизи мазкур соҳада меҳнат қилмоқда.

2016 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилиб, ушбу даврда кўрсатилган хизматлар ҳажми 2015 йилга нисбатан 12,5 фоизга ўсди.

2016 йилда иқтисодиётда пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасида яратилган қўшилган қиймат ҳажмининг 2015 йилга нисбатан 9,3 фоизга ўсиши ялпи қўшилган қиймат таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 49,5 фоизгача ошишини таъминлади.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар (30,6 фоиз), умумий овқатланиш (19,0 фоиз), савдо хизматлари (18,5 фоиз), соғлиқни сақлаш (17,2 фоиз), компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш (16,3 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш (16,0 фоиз), автомобил транспорти хизматлари (11,8 фоиз) ҳамда таълим (11,2 фоиз) каби соҳаларда кузатилди.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, ўз навбатида, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошиб боришида намоён бўлмоқда. Хусусан, 2016 йилда 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан, 438,5 минг таълим соҳаси битирувчиларининг иш билан бандлиги таъминланди. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадларнинг 11 фоизга ўсишига хизмат қилди.

2016 йилда банк тизимида амалга оширилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросига қаратилди.

Объем произведенных товаров потребления в 2016 году вырос на 5,4 процента по сравнению с 2015 годом и составил 47,4 трлн. сумов. При этом, объем производства продовольственных товаров вырос на 11,4 процентов по сравнению с 2015 годом.

Также в течение 2016 года государственную регистрацию прошли около 32 тыс. новых субъектов малого бизнеса или на 18 процентов больше чем в 2015 году.

Доля субъектов малого предпринимательства в валовом внутреннем продукте страны выросла до 56,9 процентов, а в промышленности – до 45 процентов. На сегодняшний день 78 процентов занятого населения трудится в данной сфере.


В 2016 году в сфере оказания услуг также наблюдались положительные изменения, объем оказанных услуг в данный период вырос на 12,5 процентов по сравнению с 2015 годом.


Прирост объема на дополнительную стоимость в сфере платных услуг в экономике в 2016 году на 9,3 процентов по сравнению с 2015 годом обеспечил рост доли сферы услуг в составе валовой добавочной стоимости на 49,5 процентов.

Высокие темпы роста наблюдаются в сфере финансовых услуг (30,6 процентов), общепита (19,0 процентов), торговых услуг (18,5 процентов), здравоохранения (17,2 процентов), ремонт компьютеров и бытовых товаров (16,3 процентов), связи и информатизации (16,0 процентов), услуг автомобильного транспорта (11,8 процентов), а также в области образования (11,2 процентов).

Результат осуществляемых реформ и социальных изменений, в свою очередь, выражается в повышении уровня материального состояния и благосостояния населения, качества его жизни. В частности, в 2016 году обеспечена занятость около 726 тысяч населения, в том числе 438,5 тысяч выпускников сферы образования. Это в свою очередь способствовало росту реального дохода на душу населения на 11 процентов.

Меры, осуществленные в банковской системе в 2016 году были направлены на исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан от 6 мая 2015 года №ПП-2344 “О мерах по дальнейшему повышению финансовой устойчивости коммерческих банков и развитию их ресурсной базы”, а также приоритетных задач, определенных в докладе Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на заседании Олий Мажлиса, посвященного итогам социально-экономического развития страны в 2015 году и приоритетным направлениям экономической программы на 2016 год.





Ушбу устувор вазифаларнинг изчил ва самарали бажарилиши ҳисобига 2016 йил якунлари бўйича республика банк тизими ривожланишининг барча кўрсаткичлари бўйича ижобий натижаларга эришилди.

Тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2016 йил якунлари бўйича банк тизимининг умумий капитали олдинги йилдагига нисбатан 20,2 фоизга ошиб, қарийб 9,35 трлн. сўми ва капиталнинг етарлилик даражаси кўрсаткичи умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан деярли 3 баробардан зиёдни ташкил қилди.

Банк тизими барқарорлигининг яна бир муҳим кўрсаткичи ҳисобланган ликвидлик даражаси 2016 йил якунлари бўйича 64,4 фоизни ташкил этди ва бу талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар зиёддир.

Республикамик банк тизимида капитал етарлилиги ва ликвидлик даражасининг юқорилиги, активлари сифати ва салоҳиятининг ошиши, ўз навбатида, иқтисодиётда инвестицион фаолликни рағбатлантириш ҳамда чуқур таркибий ўзгартиришлар ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш имкониятларини янада кенгайтиришга мустақкам замин бўлмоқда.

Банклар активларининг умумий ҳажми сўнги 5 йил давомида 2,9 баробарга, 2016 йилда эса 23,3 фоизга ўсиб, 2016 йил якунида 80 362 млрд. сўмга етди.

За счет последовательного и эффективного исполнения настоящих приоритетных задач по итогам 2016 года достигнуты положительные результаты по всем показателям развития банковской системы.

В результате мер, принятых по повышению капитализации коммерческих банков, общий капитал банковской системы по итогам 2016 года вырос на 20,2 процента, и составил порядка 9,35 трлн. сумов, что превышает общепринятые международные нормы почти в 3 раза.


Уровень ликвидности, который считается еще одним важным показателем стабильности банковской системы, по итогам 2016 года составил 64,4 процентов, что в 2 раза превышает требуемый минимальный уровень.

Достаточность капитала и высокий уровень ликвидности, рост качества и потенциала активов, в свою очередь служат прочной основой расширения финансовых возможностей проектов поощрения инвестиционной активности, глубоких составных изменений и развитию инфраструктуры в экономике.

Общий объем активов банков за последние 5 лет вырос в 2,9 раз, в 2016 году на 23,3 процентов, и по состоянию на 1 января 2017 года достиг 80 трлн. 362 млрд. сумов.

### Ўзбекистон тижорат банкларининг асосий кўрсаткичлари (млрд. сўм)

Основные показатели коммерческих банков Узбекистана (млрд. сум)



■ Жами капитал  
Капитал, всего


■ Жами активлар қолдиғи  
Активы, всего

Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 2016 йилда 25,1 фоизга ошиб, 53,4 трлн. сўмга етди. Мазкур кредитларнинг 80 фоизини инвестициявий мақсадларга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ташкил этди.

### Тижорат банкларининг реал секторга кредит қўйилмалари ва инвестицион кредитлари динамикаси (трлн. сўм)

Динамика кредитного портфеля и инвестиционных кредитов коммерческих банков направленных в реальный сектор экономики (трлн. сум)

Объем кредитных вложений, направленных в реальный сектор экономики в 2016 году вырос на 25,1 процентов, и достиг 53,4 трлн. сумов. 80 процентов настоящих кредитов составляют долгосрочные кредиты, направленные на инвестиционные цели.



■ Кредит қўйилмалари    ■ Инвестицион кредитлар  
Кредитные вложения      Инвестиционные кредиты

Тижорат банклари томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар ҳажми 2016 йилда ҳам барқарор суръатларда ўсиб борди.

Йил давомида корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 12,2 трлн. сўм ёки 2015 йилга нисбатан 1,2 баробар қўп инвестицион кредитлар ажратилди

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар умумий ҳажми 2015 йилга нисбатан 31 фоизга, шу жумладан микрокредитлар ҳажми 1,3 баробардан зиёдга ўсиб, мос равишда 15 870 млрд. сўмни ва 3 326 млрд. сўмни ташкил этди.


Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 367,2 млрд. сўм, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 1 647,0 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2 752,6 млрд. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2 993,0 млрд. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 362,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.


Объем инвестиционных кредитов, выделенных коммерческими банками, также рос положительными темпами и в 2016 году.

В целях модернизации, технического и технологического переоборудования предприятий в течение года коммерческими банками выделены инвестиционные кредиты в общей сумме на 12,2 трлн. сумов, что в 1,2 раза больше, чем в 2015 году.

Общий объем кредитов, выделенных субъектам малого бизнеса и частного предпринимательства вырос на 31 процентов, в том числе объем микрокредитов вырос более чем в 1,3 раза и составили 15 870 млрд. сумов и 3 326 млрд. сумов соответственно.

В частности, для развития семейного предпринимательства и ремесленничества выделены кредитные средства в размере 367,2 млрд. сумов, развития женского предпринимательства 1 647,0 млрд. сумов, предприятий, производящих продукты питания 2 752,6 млрд. сумов, непродовольственных товаров 2 993,0 млрд. сумов, финансирования бизнес проектов выпускников профессиональных колледжей 362,1 млрд. сумов.






### Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми (млрд. сўм)

Объем кредитов, выделенных субъектам малого бизнеса и частного предпринимательства (млрд. сум)

■ **Жами кредитлар** Кредиты всего  
■ **Микрокредитлар** Микрокредиты




Аҳоли даромадларининг барқарор ўсиб бораётганлиги, омонатчиларга хизмат кўрсатиш усуллари ва механизмларини соддалаштириш чора-тадбирларининг амалга оширилатганлиги, шунингдек аҳоли омонатларининг давлат томонидан тўлиқ кафолатланганлиги банклар депозит базасининг кенгайишини таъминламоқда. Хусусан, тижорат банкларидаги депозитлар ҳажми сўнги 5 йил давомида 3,5 баробарга, 2016 йилда 25,2 фоизга ошди ва йил якунида 44,6 трлн. сўмга етди.

Стабильный рост доходов населения, осуществление мер по упрощению способов и механизмов оказания услуг вкладчикам, а также полная гарантия государством вкладов населения обеспечивает расширение депозитной базы банков. В частности, объем депозитов в коммерческих банках за последние 5 лет вырос в 3,5 раза, в 2016 году вырос на 25,2 процентов и составил 44,6 трлн. сумов.

### Жами депозитлар қолдиғи (трлн. сўм)

Остаток всех депозитов (трлн. сум)

■ **Жами депозитлар қолдиғи**  
 Депозиты, всего





Тижорат банклари фаолиятини баҳолаш тизими халқаро рейтинг компанияларининг мезон ва андозалари асосида амалга ошириш, тижорат банкларининг бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларини халқаро талабларга мувофиқлаштириш, банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилаётганлиги республикамиз банк тизими ва тижорат банклари томонидан нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг юқори рейтинг баҳоларини олишига замин яратмоқда.

2016 йилда «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан «Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари» янги ҳисоботи нашр қилиниб, унга мувофиқ кетма-кет еттинчи йил Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари «барқарор» даражада тасдиқланди. Шунингдек, ушбу ижобий баҳо «Стандард энд Пурс» ва «Фитч Рейтингс» рейтинг агентликлари томонидан ҳам доимий равишда эътироф этиб қелинмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, мижозлар ишончи ва халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, хорижий кредит линияларини жалб этиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандард энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг юқори рейтинг баҳосига эга бўлди.

Мамлакатимиз президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросим ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаларида алоҳида таъкидланиб, банк тизими олдида қатор вазифалар қўйилди.

Хусусан, тижорат банклари фаолиятининг келгусидаги бош вазифаси – бундан кейин ўз иш услубларини тубдан ўзгартириб, фуқароларимиз ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ишончини қозонишга ва уларга чинакам кўмакдош бўлишга эришишдан иборат. Улар энди халқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиши ва шунга етаклаши лозим бўлади.


Осуществление оценки деятельности коммерческих банков по критериям и меркам международных рейтинговых компаний, соответствие бухгалтерских и финансовых отчетов коммерческих банков международным требованиям, последовательное осуществление мер по укреплению финансовой устойчивости банковской системы служит основой для высокой оценки авторитетными рейтинговыми агентствами банковской системы и коммерческих банков республики.

В 2016 году международным рейтинговым агентством «Мудис» опубликован новый отчет “Перспективы развития банковской системы Узбекистана”, согласно которому седьмой год подряд перспективы развития банковской системы Узбекистана подтверждаются на уровне «стабильный». Также данная положительная оценка на постоянной основе признается рейтинговыми агентствами «Стандард энд Пурс» и «Фитч Рейтингс».

Вместе с тем, с целью расширения спектра банковских услуг всех коммерческих банков, действующих на территории нашей страны, укрепления доверия клиентов и партнерства с международными финансовыми институтами, расширения возможностей привлечения зарубежных кредитных линий получил высокую рейтинговую оценку таких ведущих рейтинговых компаний, как «Фитч Рейтингс», «Мудис» и «Стандард энд Пурс».

Президентом нашей страны в докладе на торжественной церемонии, посвященной 24 летию принятия Конституции Республики Узбекистан и на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса перед банковской системой поставлены ряд задач.

В частности главная задача коммерческих банков на будущее – коренным образом изменить свой метод работы, завоевание истинного доверия граждан и предпринимателей и быть их настоящими помощниками в этом вопросе. Отныне, они должны обучать население навыкам предпринимательства и привлекать его к этому роду деятельности.





**«Микрокредитбанк» сармоялари  
– тадбиркорлик, бунёдкорлик ва  
тараққиёт хизматида!**

Инвестиции «Микрокредитбанка»  
– на службе предпринимательства,  
созидания и прогресса!



# «МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

## ОБЩИЕ СВЕДЕНИЯ ОБ АКБ «МИКРОКРЕДИТБАНК»

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса қишлоқ жойларда аҳоли кенг қатламларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3750-сонли Фармони асосида ташкил этилди.

Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнеснинг ўрни ниҳоятда юқорилиги сабабли, давлатимиз томонидан қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида қатор муҳим ҳужжатлар ва дастурлар қабул қилинди.

Жумладан, мазкур сегментни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш мақсадида 2008 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4051-сонли Фармони қабул қилиниб, банк устав капитали қўшимча 72 млрд.сўмга кўпайтирилиб, умумий миқдори 150 млрд.сўмга етказилди.

Навбатдаги, 2013 йил 29 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик-тижорат банкининг капиталлашув даражасини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1945-сонли Қарори банкнинг ўз олдига қўйилган устувор вазифаларни са-


Акционерно-коммерческий банк “Микрокредитбанк” создан Указом Президента Республики Узбекистан №УП-3750 от 5 мая 2006 года «О создании акционерно-коммерческого банка «Микрокредитбанк», с целью развития малого бизнеса, частного предпринимательства и фермерства, создания новых рабочих мест, путем активации индивидуальной трудовой деятельности, семейного бизнеса, надомного труда, дальнейшего расширения предоставления средств для удовлетворения потребностей широких слоев населения, особенно проживающих в сельской местности, в микрофинансовых услугах.

Учитывая важную роль малого бизнеса в социально-экономическом развитии нашего общества, основанного на рыночной экономике, государством приняты ряд важных актов и программ, направленных на создание благоприятных условий для бизнеса и предоставления еще больше гарантий для свободного предпринимательства.

Так, в целях дальнейшего расширения поддержки названного сегмента 10 ноября 2008 года был принят Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4051 «О мерах по дальнейшему расширению деятельности акционерно-коммерческого банка «Микрокредитбанк» по поддержке субъектов предпринимательства», уставный капитал банка был увеличен до 72 млрд. сумов с доведением его общего объема до 150 млрд. сумов.

Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-1945 от 29 марта 2013 года «О дополнительных мерах по повышению уровня капитализации открытого акционерно-коммерческого банка «Микрокредитбанк» дана положительная оценка деятельности банка по осуществлению перед ним





марали амалга ошираётганлигига ижобий баҳо бўлиб, банкнинг стратегик аҳамиятини янада оширди ва унинг устав капиталини 200,2 млрд. сўмга етказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 октябрдаги “Банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг инвестицион фаолиятини жадаллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2420-сонли Қарорига мувофиқ “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банк устав капитални 2015 йил якунига қадар 25,0 млрд. сўмга оширилди ҳамда 2016 йилда яна қўшимча равишда 25,0 млрд. сўм банк устав капиталига йўналтирилди.

“Микрокредитбанк” АТБ инфратузилмаси, жумладан 85 та филиал ва 110 та минибанклари республикамизнинг барча минтақаларидаги, шунингдек, энг чекка ҳудудлардаги аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтди ва банк мижозлари сони ўтган бир йил давомида 67 минг тага кўпайиб, қарийб 404 мингга етди.

задач, в связи с чем, уставный капитал был доведен до 200,2 млрд. сумов.

Также, в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-2420 от 26 октября 2015 года «О дополнительных мерах по повышению уровня капитализации банков и ускорению их инвестиционной деятельности», уставный капитал акционерно-коммерческого банка «Микрокредитбанк» до конца 2015 года увеличен на 25,0 млрд. сумов и приняты меры по очередному повышению еще на 25,0 млрд. сумов в течение 2016 года.

Сеть подразделений АКБ «Микрокредитбанк», в частности 85 филиалов и 110 минибанков расширяют возможность пользования услугами банка населению и субъектам предпринимательства, находящихся во всех регионах республики, в том числе, находящихся в самых отдаленных территориях. Таким образом, численность клиентов за истекший год увеличился на 67 тысяч и составляет 404 тысяч.







## Банкинг асосий вазифалари

### ОСНОВНЫЕ ЗАДАЧИ БАНКА

- Кичик бизнес, касаначилик, якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорликни, шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш асосида бандликни таъминлаш учун молия ресурсларини тақдим этиш, аҳолининг кенг қатламларига, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда микромолиялаштириш хизматларидан фойдаланишнинг қулай имкониятларини яратиш;

- янги корхоналар ва иш жойларини барпо этишда бирламчи сармояни шакллантириш учун мақсадли имтиёзли кредитлар ажратишни кенгайтириш ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни айниқса қишлоқ жойларда жадал ривожлантиришга қўмаклашиш:

- аёллар ва ёшлар, шу жумладан касб-хунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли кредитлар бериш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қўллаб-қувватлаш;

- оилавий тадбиркорликни, хунарамандчилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини имтиёзли микромолиявий манбалар билан қўллаб қувватлаш;

- хом-ашё ва материалларни қайта ишлашни кенгайтириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш, шунинг асосида қўшимча иш жойларини ташкил қилиш, аҳоли даромадларини ошириш мақсадида хом ашё ва материаллар харид қилиш учун тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағларини тўлдириш, фаолиятларини кенгайтиришга имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;

- чорва, уй паррандаси, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш, суғориш ва тупроқни қайта ишлашнинг замонавий технологияларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологияларни харид қилиш, шунингдек қуёнчиликни ривожлантириш учун хўжаликларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш.

- Республика ҳудудларини комплекс ривожлантириш, жумладан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, энгил саноат, иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш, тадбиркор аёлларни ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш ҳамда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги дастурларни молиялаштиришга муносиб ҳисса қўшиш.

- Предоставление финансовых ресурсов для развития малого предпринимательства, надомного труда, индивидуального и семейного предпринимательства, организация занятости на основе личных подсобных хозяйств, обеспечения доступности микрофинансовых услуг широким слоям населения, в первую очередь в сельской местности;

- содействие развитию малого бизнеса и частного предпринимательства, особенно в сельской местности, за счет расширения выделения целевых льготных кредитов для формирования первичного капитала при создании новых предприятий и новых рабочих мест:


- содействие широкому привлечению женщин, молодежи, в т.ч. выпускников колледжей в сферу предпринимательства, путем выдачи льготных кредитов;

- поддержка через льготные микрофинансовые источники семейного предпринимательства, ремесленничества, сферы услуг и сервиса;

- обеспечение пополнения оборотных средств субъектов предпринимательства, создание возможности пользования льготными кредитными средствами для расширения переработки сырья и материалов, производства и реализации готовой продукции, пополнения внутреннего рынка, продукцией, выпущенной в нашей стране, а также с целью создания новых рабочих мест и увеличения доходов населения на вышеуказанной основе;

- оказание микрофинансовых услуг хозяйствам для приобретения скота, домашних птиц, саженцев, внедрения современных технологий орошения и переработки почвы, производства сельскохозяйственной продукции, приобретения мини-технологий по переработке сельхозпродуктов, а также для развития кролиководства.

